

ТАЛАБАЛАРДА МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Гулола Шавкатовна
Рахмонова**

Зухра Тошхонова
Бухоро давлат университети

Маржона Тоҳирова

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада талабаларда мањнавий-ахлоқий компетенцияларни шакллантириш зарурияти, усуллари ва уларни мањнавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: талаба, ўқувчи-ёшлар, тарбия, мањнавият, ахлоқ, компетенция, мањнавий-ахлоқий компетенция, ривожланиш, метод, технология.

TECHNOLOGIES OF FORMATION OF MORAL AND MORAL COMPETENCES IN STUDENTS

ABSTRACT

This article develops the need and methods of developing spiritual and moral competencies in students and the scientific and methodological basis for their development into a spiritually, culturally, ethically, politically, legally, economically, socially mature independent thinking generation.

Keywords: student, student-youth, education, spirituality, morality, competence, spiritual-moral competence, development, method, technology.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилган дастлабки кундан бошлиб фан, таълим ва тарбия мазмунига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик тарихида эришилган ютуқлар ёшларда миллий мањнавий мерос ва қадриятларни авайлаш, уларда воқеаларнинг ҳодиса сифатида намоён бўлиши эмас, балки маданий, ахлоқий, эстетик моҳиятини чуқур англаш малакаларини шакллантиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда бу жараён онг, маданият, амалиёт шакллари бўлмиш этика, эстетика, диншунослик фанининг методологик асослари ҳамда илмий мазмунини миллий ва умуминсоний тамойиллар билан муштараклигини таъминлашни талаб этади. Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни мањнавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштироқчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида мамлаккатимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу концепциянинг мақсади - ёш авлодда мустақил ва баҳтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборатdir.[1]

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган “аҳоли, айниқса, ёшлар тарбияси билан боғлик вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиши, тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда аввало, ёшларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш, ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болалиқдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш каби чора тадбирлар босқичма босқич амалга оширилмоқда” [2].

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига педагогик-психологик изланишлар натижасида кириб келган тушунча хисобланади. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, ракиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб

чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда.

Компетенциянинг муҳим йўналишларидан бири маънавий-ахлоқий компетенциялардир. Маънавий-ахлоқий компетенциялар — Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мағкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, хуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантиришни ўз ичига олади.

Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Айрим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини ўзи ўқишига сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий компетенцияларини шакллантириш учун, албатта тарбияга эътибор беришимиз зарур. Тарбия бу туғилгандан бошланади ва умрнинг охиригача давом этади. Буюк мутафаккирларимиз А.Авлоний, А.Фитратлар таъкидлаганидек, тарбия, аввало оиласдан бошланади. Оила ҳар бир халқнинг миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб уни маънавий ахлоқий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Ёшларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, маънавий моддий тарбиясида асосий омил ва восита оила ҳисобланади.

Маънавий-ахлоқий компетенциянинг муҳим таркибий қисми – ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик сўзининг негизини Ватан ташкил этади. Ватан арабча сўз бўлиб, киндик қони тўкилган, она юрт маъносини англатади. Инсон учун Ватандан буюкроқ бойлик йўқ. Ватан инсон яшайдиган маданият, маънавият, адабиёт, санъат, илм-фан ўчоғидир. Иймонли, эътиқодли, кишилар Ватан нима эканлигини яхши тушунадилар. Шу боис Ҳадиси Шарифда «Ватанни севмоқ иймондандир», деб бежиз ёзилмаган. Ватан – бепоён далалар, халқ, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, иймон-эътиқоди, урф-одатлари, расм-руsumлари, удумлар, анъаналари, халқ яратган обидалар, моддий ва маънавий мерос, аждодлар, уларнинг буюк таълимотлари, халқнинг тили, тарихи, давлат рамзлари. Бугун ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган таълимнинг барча босқичларида ёш авлодни тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай экан, ёшларга чуқур назарий ва

амалий билимлар, касбий малака, кўникмалар ҳосил қилиш, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ходисалари ва муаммоларига тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш, Ватанинни севиш, аждодлари яратган бебаҳо маънавий жавоҳирларни имкон қадар эгаллаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитиш, мамлакатимиз келажагини, ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги маънавий, ақлий билимлардан фойдаланиб воқеликда фаол иштирок этиш руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларда ҳам ижтимоий-гуманитар ва иктиносий фанларни ўқитиш жараёнида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи-ёшларда илмий дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, иктиносий, хуқуқий ва ижодий тафаккурни, ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш каби талабларни таъминлаш лозимлиги алоҳида уқтирилган. Маънавий-ахлоқий дунёқарashi шаклланган ўқувчи-ёшларда маънавий-ахлоқий билим, маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу, маънавий-ахлоқий идрок фазилатларни тушуниш даражалари ривожланган бўлади. Маънавий идрок, ахлоқий ирода, хатти-харакат ва малакалар бир-бирини тўлдириб, ўқувчининг шахсий ҳаёти, фаолиятида ўз ифодасини намойиш этади.

Маънавий-ахлоқий компетенциянинг муҳим таркибий қисмларидан яна бири адолатпарварликдир. Адолатпарварлик – инсон ва жамиятнинг, муайян киши, гуруҳ ёки жамоага хуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида кўрсатган таъсирини англатади. У адолат тушунчasi билан боғлиқ ва унга таянган ҳолда шахс ва ижтимоий гуруҳлар имкониятлари, талаблари, хуқуқлари, ахлоқий фаровонлигини меъёрлайди. Адолат – ижтимоий, фалсафий, ахлоқий ва хуқуқий тушунча сифатида жамиятнинг шахс олдига қўядиган талаблари меъерини, турли шиорлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иктиносий, сиёсий, маънавий-маданий воқеаларга муносабатини характерловчи онг тушунчasi ҳисобланади [3].

Маънавий-ахлоқий компетенциялар талаба-ёшларда мустақил эътиқод, дунёқараш ва мақсадга эга бўлиш, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлигини таъминлаш, шахсий манфаатни жамият манфаати билан уйғун кўриш йўналишларида мустаҳкамланади. Ўқувчиларда муайян даражада маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий ахлоқий фазилат, маънавий-ахлоқий фаолият, маънавий-ахлоқий муносабат, маънавий-ахлоқий ҳаракатлар яхлит ҳолатда камол топади ва ижтимоий-иктиносий тараққиёт ҳамда жамият маънавиятини мустаҳкамлаш учун асос бўлади.

REFERENCES

1. Halimovna K. S. et al. The Role of Modern Pedagogical Technologies in the Formation of Students' Communicative Competence //Religación. – 2021. – Т. 4. – С. 261-265.

2. Рахмонова Г. Ш., Чоршамова А. Ф. К. Значимые стороны национальных игр в процессе воспитания дошкольников //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
3. Рахмонова Г. Ш. Чоршамова АФК Значимые стороны национальных игр в процессе воспитания дошкольников //Проблемы педагогики.–2020. – Т. 1. – С. 46.
4. Каримова Л. Ф., Рахмонова Г. Ш. Интегрированные уроки как средство формирования студентов //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 4-3. – С. 86.
5. Рахмонова Г. Ш., Насруллаева М. Н. К. Методика проведения занятий по развитию речи в дошкольных образовательных учреждениях //Academy. – 2019. – №. 12 (51).
6. Рахмонова Г. Ш., Жалилов З. Б. РАЗВИТИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ //Academy. – 2020. – №. 12 (63).
7. Shavkatovna R. G. Formation of Spiritual and Moral Attitudes of the Student's Personality //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10. – №. 1.
8. Рахмонова Г. Ш. КОМПЕТЕНЦИЯ ВОСПИТАТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
9. Хасанова Г. Х., Рахматова Г. Ш. Некоторые вопросы обеспечения взаимосвязи методов и средств обучения в развитии образовательного процесса //Academy. – 2019. – №. 10 (49).
10. Камилова Г. А., Курбанова Г. Р., Джаббарова С. З. Особенности формирования педагогических навыков у воспитателей дошкольно-образовательных учреждений //Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 25-27.
11. Жабборова С. З. Особенности труда в дошкольном возрасте //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
12. Джаббарова С. З. ЭТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ ЧЕРЕЗ НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ //Проблемы науки. – 2021. – С. 61.
13. Jabborova S. Z. Forms, methods and ways of moral education of children in the family by means of national values //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 820-823.
14. Хамроева Н. Н. Комплимент как одна из форм фатического общения KOMPLEMENT AS ONE OF FATIC COMMUNICATION FORMS //МІЖНАРОДНИЙ НАУКОВИЙ ЖУРНАЛ «ІНТЕРНАУКА». – 2020. – С. 107.
15. Nizomiddinovna K. N. Compliment as one of the forms of Phatic Communication //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10. – №. 1.
16. Hamroyeva N. ИЛТИФОТНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
17. Hamroyeva N. ИЛТИФОТ–ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
18. Toirova G., Hamroeva N. THE IMPORTANCE OF LINGUISTIC MODELS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGE BASES //Sciences of Europe. – 2020. – №. 59-2 (59).

19. Хамроева Н. Н., Низомова Ш. Ш. Важные стороны уроков чтения в повышении культуры книгочтения //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
20. Рахмонова Г. Ш. ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В ВОСПИТАНИИ УЧАЩИХСЯ И МЕТОДЫ ЕГО РАЗВИТИЯ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
21. Хамроева Н. А. МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы науки. – 2021. – №. 3 (62). – С. 74-76.
22. Хамроева Н. А., Назарова Д. Ж. Особенности речевого развития детей старшего дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 37.
23. ХАМРОЕВА Н. А. преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального обучения //Бухарский государственный университет, Узбекистан.
24. Supkhonovna H. N. Technology for the development of the qualities of pedagogical competence in future teachers //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 372-382.
25. To'raqulovich J. U., Supxonovna H. N. Ways to shape a healthy lifestyle in the family of preschool children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
26. Хакимова Н. С., Хабибова Г. Г. А. АВЛONI-ПРОСВЕТИТЕЛЬ, ПЕДАГОГ И РЕФОРМАТОР ШКОЛЫ //Вопросы науки и образования. – С. 34.
27. Rasulova L. G. Interactive methods of teaching mathematics in primary education //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 374-380.
28. Rasulova L. G., Radjabova P. K. Theoretical foundations of interactive learning in mathematics lessons in primary school //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 4. – С. 819-823.
29. Gaybullaevna R. L. Information technology in primary school //Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 1498-1503.
30. Гафурова Д. Х., Курбанова М. Ф. ФОРМИРОВАНИЕ БЕГЛОЙ РЕЧИ У ДОШКОЛЬНИКОВ ПУТЕМ ЧТЕНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ //Проблемы науки. – 2021. – С. 81.